

ЕР СОТИШ УЧУН БЕРИЛМАГАН

Фермер Хонка туманида яшовчи Ҳктам ва Пўлат Машари-повларга 11 гектар ерни шол икиш учун 2,8 млн. сўмга, яна бир хонкалик Жабор Раҳмоновга 6 гектар ерни 2,7 млн. сўмга сотган.

«АЛП ОНАДАН» ДЕЙШАДИ...

Халқ ёзувчиси Ҳўқир Хошимов «Дафтар хошиясидаги битикалар» да айтади. «Бир нарсани ҳеч тушунмайман, китоб ўқийдиганларда пул йўқ. Пули кўплар эса китоб ўқимайдими?»

ШАЙТОНГА БЎЙСУНГАН ЮРАК

У ҳам-қудасининг мизига айтган гапларидан хафга эди. Шу сабабли «қизим ҳеч қаерга бормайди. Бор, бошқага уйдан. Қизимни бошқасига эрга берсам, хозир тўғади» деди кўёвига.

МЕН ТИРИКМАН, ОНАЖАОН!

Қани энди, бир дарахтми, томига бўлса-ю, унинг устига чийиб олса. Лекин бийлаб дадада бирон жойга бекиниб олишини ҳам, бурилдан қочиб қутилишини ҳам, иложини йўқ эди. Нусрат жуذا танг ахволда қолади.

1997-йил 27-avgustdan chiqq boshlagan

2008-йил 13-mart, № 11 (584)

Нидоқ



БОШ ПРОКУРАТУРАДА

САРҲИСОБ



ИШОНЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

Ўтган 2007 йил мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида чуқур из қолдирганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоиз. Бунинг асосини Президент Имом Каримовнинг шу йил 8 февралда Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йилда Республика ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йиллари ва 2008 йилда ислохотларни янада чуқурлаштиришни энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасидан яққол кўриш мумкин. Маъруза билан танишар эканмиз, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар зиммасидаги вазифалар ҳам фоят масъулиятли ва аҳамиятга молик эканлигини англаб оламиз.

Халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгазининг навбатдан ташқари сессиясида Республикаимиз Президентини Имом Каримов ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар фаолиятига яна бир бор тўхталиб, «Фуқароларимиз қонун устуворлигини, содда қилиб айтганда, ким қаерда, қайси лавозимда ишлашадиган қатъи назар, қонун барчамиз учун баробар эканини ва қонунни бузган тақдирда ҳамма учун жазо муқаррар бўлишининг тасдиғини амалда кўриши шарт», дея таъкидлаб ўтганди.

Шу нуқтаи назардан 2007 йил сарҳисобига тўхталадиган бўлсак, Навой вилоят прокуратураси органлари томонидан вилоят ҳудудида қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-сиёсий ва криминоген вазиятни барқарор сақлаш, жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш, унинг олдини олиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Мазкур йўналишдаги фаолият ислохотларни янада чуқурлаштириш, қишлоқ ҳўжалигига иқтисодий муносабатларни ислох қилиш, ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳамда давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги Қўнулар, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари ижросини таъминлашга қаратилди.

Ўтган йил қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги қўнулар ижроси юзасидан 169 та тегишли ва мониторинглар ўтказилиб, натижаларига кўра 3 мингдан зиёд прокурор назорати ҳўжатлари қўлланилди. Мансабдор шахсларнинг 48 та ноқонуний қарорларига прокурор протестлари келтирилиб, қўнунга мувофиқлаштирилди. Жиддий қўнунбузилиш ҳолатлари юзасидан 49 та жиноят иши қўзғатилди.

Прокурорларнинг тақдирномалари ва қарорлари асосида 865 нафар шахс интнзомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди.

Қўнунбузилишлар оқибатида етказилган 13,2 млн. сўмлик зарар айбдор шахслардан ихтиёрий равишда ундирилди. Судларга 28,4 млн. сўмлик зарарни ундириш борасида 353 та давёо аризалари киритилиб, улар қаноатлантирилди.

Пахта экилган майдонларнинг ҳақиқий ҳолати тегиштирилиб, мониторингдан ўтказилганда, ер кадастр бўлими ҳодимларининг назорат тадбирларини тўлиқ ўтказмаганлиги оқибатида вилоят бўйича 8 ҳолатда фермер ҳўжаликлари томонидан жами 5,6 гектар ер майдонига чигит ўрнига полиз экинлари экиб юборилганлиги аниқланди. Бундай қўнунбузарликка йўл қўйган фермер ҳўжаликлари раҳбарлари тегишли тартибда маъмурий жавобгарликка тортилди.

Шунингдек, айрим туман ҳокимликлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мансабдор шахслари хизмат мавқеини суиистеъмол қилиб, фермер ҳўжаликларига тегишли экин ерини ноқонуний равишда фуқароларга уй-жой қуриш учун ажратилганда йўл қўйганлиги ҳолатлари аниқланди.

Жумладан, Карман тумани «Нарпай» қишлоқ фуқаролар йиғини ва Т.Фафуров номли маҳалла фуқаролар йиғини мансабдор шахслари «Абдурауф Шуҳрат истиқболи» фермер ҳўжалигига ажратилган 4,2 гектар ерни туман ҳокими қарорисидан ва ер участкаларини бериш масалаларини кўриб чиқувчи комиссия розилигисиз 59 нафар фуқарога яқка тартибда уй-жой қуриш учун ажратиб берган. Оқибатда ўша фуқаролар томонидан ҳеч бир ҳўжжатиш уй-жой қурилиб, фермер ҳўжалиги манфаатига 5 млн. 227,7 минг сўмлик моддий зарар етказилган. Албатта, мазкур ҳолат юзасидан қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

(Давоми 2-бетда).

Кўнгилларда байрам суртури

Аёл деганда фарзандларини оқ ювиб, оқ тараб воёга етказадиган мунис оналаримиз, меҳрибон буви-ю момоларимиз, малоятли ва дилбар опа-сингилларимиз кўз олдимизга келади. Шунинг учун ҳам юртимизда Халқаро хотин-қизлар куни халқимизнинг энг севимли байрами сифатида кенг нишонланади. Бу қўтлуғ айёмнинг яна бир фазилити шундаки, у баҳорий кайфият, гўзаллик ва нафосат туйғулари билан уйғуллашиб кетади.

Хамма жойда бўлганидек, Халқаро хотин-қизлар кўнунга бағишланган байрам тадбири Бош прокуратурада ҳам бўлиб ўтди. Тадбирни Бош прокурорнинг ўринбосари — Республика ҳарбий прокурори Шуҳрат Узаков очиб, барча хотин-қизларни гўзаллик ва нафосат байрами билан чин дилдан қўтлади.

Шундан сўнг Бош прокурорнинг прокуратура соҳасида меҳнат қилаётган хотин-қизларга байрам таб-

ригини Бош прокуратуранинг кадрлар бошқармаси бошлиғи М.Обидов ўқиб эшиттирди.

«Юртимизда аёлларга бўлган эътибор ҳамма вақт давлатимизнинг диққат марказида бўлиб келди, — дейлади Бош прокурорнинг байрам тадбиринида. — Ўтган давр мобайнида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзлар беришга қаратилган зарур ҳуқуқий асослар янада тақомиллаштирилди. Аёлларимизнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини оширишга, соғлигини, оила, оналик ва болалиқни ҳимоя қилиш, иш билан таъминлаш, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашга қаратилган кўпгина хайрли дастурлар амалга оширилди.

Бунинг самарасини эса бугунги кунда аёлларимизнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллиги ўсанганлиги, жамиятдаги мавқеи янада мустақамланганда кўриб турибмиз».

Ана шундай фидойи меҳнати билан эл ҳурматини қозонган хотин-қизларимиз прокуратура органла-

рида ҳам кўпчилиқни ташкил этади. Мустақиллиқнинг ўтган йилларида прокуратура органларида фаолият кўрсатаётган хотин-қизлардан 30 нафари ҳуқуқ-тартиботни мустақамлашдаги фидокорона меҳнати учун давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлдилар. Ишхонасида ҳам, оиласида ҳам, маҳалла-қўйда ҳам фидойилик кўрсатадиган шу каби жонқуяр аёлларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ўзларининг меҳрибон онахонлар, дилбар опа-сингилларга аталган дил сўзларини нафақат нарсда, балки назмда ҳам изҳор этдилар. Тантананада иштирок этган муҳтарам аёлларга анвойи гуллар тақдим этилди, совғалар улашилди. Эзгу тилаклар мунис ва гўзал аёлларни мадҳ этувчи куй-қўшиқларга улашиб кетди.

Адҳам МАМАТАЛИЕВ,
Бош прокуратура бошқарма
прокурори

Фахрий билан учрашув

Кеча Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари биносида намунали фахрий билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувга 50 йилга яқин ИИВ тизимида меҳнат қилган, Андижон вилоят прокуратураси тезкор ходими вазифасидан, то Ички ишлар Вазирининг 1-ўринбосари лавозимига чинланган, бугунги кунда ҳам шу соҳада ўз меҳнатини азиям келатидиган ардоқли фахрий Фафуржон Раҳимов тақлиф этилди.

Учрашувни Олий ўқув курслари директори Толибжон Умаров очиб берди.

— Бугунги учрашувга тақлиф қилинганимни эшитиб, олдингизга хизмат кийимида келишни маъқул кўрдим, — дейди ИИВ ветеранлар кенгаши райси Фафур

Раҳимов. — Мана, салкам 80 ёшга кирай деб қўлган бўлсам-да, ҳали ҳам Ватан, юрт равнақи учун кучим борича ўз ҳиссамни қўшиш ниятидаман. Шу маънода, сизларга ҳам эгалланган касбингиз орқасидан мамлакатимиз ривожланиши йўлида ҳалол меҳнат қилиш, биздек фахрий бўлиб юриш насиб этишини ният қилдим.

Мулоқот жараёнида Фафуржон Раҳимов ўз тажрибаларини тингловчилар билан ўртоқлашаркан, ҳар қандай соҳа, ҳар қандай ишда ҳам ходимлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва аҳлилик, ишга нисбатан масъуллиқ ва зийраклик бўлгандагина қўзланган мақсадга эришиш мумкинлигини таъкидлаб ўтди.

(Ўз мухбиримиз)

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

Huquq

UZBEKISTON

5.55 Курсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Узбекистон!»
7.00 Т/с «Сарой хажоҳири».

17.40 «Эртақлар - яхшилика етаклар».
18.00 «Байрамнингиз кўнгилли ўтсин!»
18.10 «Наврўз ҳақида сўз».

20-MART Payshanba



6.55 «Аждодлар ёди».
7.00, 17.20 «Мультитанорама».
7.40, 12.40, 20.50 «Каминанинг оиласи».

18.15 Т/с «Аёл қалби».
18.50 «О, ашғилим!»
19.00, 22.00 «Давр».
20.15 «Наврўз гаши».

TOSHKENT

7.25 Курсатувлар тартиби.
7.30 «Салом, Тошкент!»
8.30, 9.40, 11.45, 18.45, 21.25 «Анонс».

SPORT

7.00 «Бодро утро».
8.00 «Хабарлар» (рус)
8.20 Мультфильм.
8.30 «Детектив».



5.00, 9.05 «Добро утро»
9.00, 12.00, 15.00 «Новости»
9.25 «Малахов +»

17.40 «Эртақлар - яхшилика етаклар».
18.00 «Байрамнингиз кўнгилли ўтсин!»
18.10 «Наврўз ҳақида сўз».

13.30 Т/с «Карусель».
15.30, 18.30 «Чрезвычайное происшествие. Обзор».

18.15 Т/с «Аёл қалби».
18.50 «О, ашғилим!»
19.00, 22.00 «Давр».

SPORT

7.00 «Бодро утро».
8.00 «Хабарлар» (рус)
8.20 Мультфильм.

РОССИЯ

05.00 «Добро утро, Россия!»
08.55 Д/ф «Красота по-советски».

06.00 «Сегодня утром».
09.00 «Наше все!»
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, «Сегодня».

06.00 Т/с «Любовь и тайны Сансет Бич».
06.55 «Глобальные новости».

16.20 Х/ф «Загадочное желание».
22.00 Х/ф «Блондинка в шоколаде».

SPORT

08.00 Т/с «Зена - королева воинов».

UZBEKISTON

5.55 Курсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Узбекистон!»
6.50 Б/ф «Майсаранинг иши».

19.30 «Ахборот». /рус/.
20.05 «Минг бир ривоят».
20.10 «Охнарабо».

21-MART Juma



13.30 Б/ф «Иван Васильевич касбини ўзгартиради».
16.00 «Давр».

«АССАЛОМ, НАВРЎЗИ»
7.25 Курсатувлар тартиби.
7.30 «Салом, Тошкент!»

SPORT

7.00-1.00. НАВРЎЗИГА БАҒИШЛАНГАН БАЙРАМ ТЕЛЕМАРАФОНИ.



5.00, 9.05 «Добро утро»
9.00, 12.00, 15.00 «Новости»
9.25 «Малахов +»

11.00 Т/с «Винтовая лестница».
13.30 Т/с «Карусель».
15.30 «Спасатели. Обзор».

11.30 М/с «Крутые бобры».
12.30 М/с «Ох, уж эти детки!»
13.00 М/с «Тоталли Спайс».

23.00 Х/ф «Пробуждение смерти».
01.00 Т/с «За гранью возможности».

SPORT

08.00 Т/с «Зена - королева воинов».

РОССИЯ

05.00 «Добро утро, Россия!»
08.55 «Муслимане».

06.00 «Сегодня утром».
09.00 «Наше все!»
10.00, 13.00, 16.00, 19.00 «Сегодня».

06.00 Т/с «Любовь и тайны Сансет Бич».
06.55 «Глобальные новости».

16.20 Х/ф «Загадочное желание».
22.00 Х/ф «Блондинка в шоколаде».

SPORT

08.00 Т/с «Зена - королева воинов».

UZBEKISTON

5.55 Курсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 Б/ф «Майсаранг иши».

20.05 «ТВ шифокор».
20.10 Т/с «Аччиқ Ўлгон».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Кунгли қўшиқ истаиди».

7.55 «Аждодлар ёди».
8.00, 15.00 «Ёшлар майдони».
9.00 «Келажақ агалари».

7

6.00, 10.00, 12.00 Новости
6.10 «Гени и злодеи»
6.40 Детектив «Исповедь содер-
жани»

08.00, 11.00, 14.00, 20.00 «Ве-
сти».
08.10, 11.10, 14.20 «Местное
время. Вести - Москва».



05.55 Х/ф «Дачница».
07.30 «Сказки Баженова».
08.00, 10.00, 13.00, 16.00,
19.00 «Сегодня».

РОССИЯ

06.00 «Доброе утро, Россия!»
07.30 «Студия Здоровье».

UZBEKISTON

5.55 Курсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
6.55 «Шашмаком». Мусикий фильм.

19.25, 20.00, 20.55, 21.40 Эълонлар.
19.30 «Тахлилнома». /рус/.
20.10 «Одний хаккатлар». Ток-шоу.

6.55 «Аждодлар ёди».
7.00 Б/ф «Уфалтарлар».
8.35 «Наврўзи олам!»

7

6.00, 10.00, 12.00 Новости
6.10 «Планини азарта»
7.10 Х/ф «Хищники»
8.40 Армейский магазин

08.00, 11.00, 14.00, 15.15 «Ве-
сти».
08.10, 11.10, 14.20 «Местное
время. Вести - Москва».



05.35 Комедия «Волга-Волга».
07.20 М/ф.
08.00, 10.00, 13.00, 16.00,
19.00 «Сегодня».

РОССИЯ

05.50 Х/ф «Командир счастливой
«Шуки».
07.30 «Сельский час».

22-MART

Shanba

9.55, 12.55, 18.55, 21.55 «Иклим».
10.00, 13.00, 16.00 «Давр».
10.10 Б/ф «Танноз хоним».
11.40 «Ёшлар навоси».

TOSHKENT

7.25 Курсатувлар тартиби.
7.30 «Салом, Тошкент!».
8.30, 9.15, 9.55, 10.25, 10.40, 11.05,
18.25, 18.45, 19.20, 19.55, 21.25,
21.45 «Ассалом, янги кун!».

SPORT

8.00 «Хабарлар» (Ўзб.)
8.20 «Махалламиз пахлавонлари».
8.50 «Бодрое урс»
9.50 «Хабарлар» (рус)

7

09.25 «Смотр».
10.25 «Главная дорога».
13.00 «Космополитан. Видеовер-
сия».

13.00 Клуб бывших жен.
14.00 «Cosmopolitan. Видеовер-
сия».
15.00 Фантастика «Ультрафиолет».



08.00, 14.00 «Улс!»
09.00 М/ф.
09.30 М/с «Кот по имени Ик».
10.00 М/ф «Секретные материалы
псов-шишонов».

THT

06.00 М/с «Крутые бобры».
07.00, 07.30, 08.00 М/с «Губка
Боб квадратные штаны».

23-MART

Yakshanba

8.40 «Мулки мумтоз».
9.00 «Ҷаҳшба нуноштаси».
9.20 Т/с «Алия».
10.00 «Ватанпарвар».

TOSHKENT

7.25 Курсатувлар тартиби.
7.30 «Салом, Тошкент!».
8.30, 9.15, 9.40, 10.25, 16.10, 21.00
«Анонс».


SPORT

8.00 «Хабарлар» (Ўзб.)
8.20 «Куанок стартлар».
9.00 «Бодрое урс»
10.00 «Хабарлар» (рус)

7

10.20 «Едим дома».
10.50 «Их нравы».
11.25 «Авиаторы».
11.55 «Quattrogate».

11.00 «Звезды меняют профессию».
12.00 Т/с «Женская лига».
12.25 Т/с «Саша + Маша».
13.00 Фантастика «Ультрафиолет».



08.00 «Улс!»
09.00 М/ф.
09.30 М/с «Кот по имени Ик».
10.00 М/ф «Секретные материалы
псов-шишонов».

THT

06.00 М/с «Крутые бобры».
07.00, 07.30, 08.00 М/с «Губка
Боб квадратные штаны».

TOSHKENT

Суздаль. Покровский монастырь»,
вып. 4.
22.00 Д/ф «Городские легенды».
Москва. Чертовщина Пречистен-
ки», вып. 15.

SPORT

02.00 Шоу рекордов Гиннеса.
03.00 Т/с «Лас-Вегас».
03.50 Т/с «Вспомнить все».
04.45 Ночной клуб.



08.00 Удачное утро.
08.50 Музыка на ДТВ.
09.00, 09.25 Звериние шуточки.
10.00 Тысяча мелочей.

Болалар баҳорга қиёс

Яшариш ва янгиланиш фасли бўлган баҳорни Бўка туман аҳолиси ўзгача кўтаринкилик билан кутиб олдилар. Меҳнат жамоаларида, корхоналарда, маҳаллаларда ва ўқув муассасаларида ободонлаштириш ишлари ўтказилди, кўчлар экилди.

2008 йил 11 март куни эса Бўка туман прокуратураси ташаббуси билан баҳор таоми — сумалак пиширилди. Баҳор таоми тумандаги кам таъминланган оила фарзандларига, 15-сон «Мехрибонлик уйи» тарбияланувчиларига тортиқ қилинди.

Шуни ишонч билан айтиш мумкин, туман прокуратураси томонидан қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини


муҳофаз қилиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борисада ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, 2008 йил 12 февраль кунини туман прокуратурасига «Бўгон» фермерлар ҳўжаликлари уюшмасида яшовчи, маҳаллада кам таъминланганлар рўйхатида турувчи Н.Залевская мурожаат қилиб, 2007 йил 11 ноябрь кунини уч нафар эгизак фарзанд кўрганлигини, лекин шу кунга қадар ишлаган жойидан таътил пулини ололмаётганини ва қиш совуқ келганилиги учун болаларини парвариш-лашда қийнаётганигини билдир-

ганди.

Биринчи навбатда, фуқаро Н.Залевскаянинг қарамонидagi уч нафар эгизаклар — Антон, Алексей ва Артёмларнинг соғлигини муҳофаз қилишга доир қонунлар ижроси назоратта олинди. Туман прокуратурасининг аралашувида сўнг, Н.Залевскаянинг таътил пули ишлаган жойидан тўлиқ ундириб берилди. Бундан ташқари, Бўка туман прокуратураси ва ҳокимлиги томонидан Н.Залевскаянинг оиласига замонавий кир ювиш машинаси ва болалар аравачалари совға қилинди.

Қидирали ПЎЛАТОВ,
Бўка туман прокурори ёрдамчиси



Юртимизда ҳуқуқий давлат барпо этиш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш борисада кенг кўламли ислохотлар амалга ошириляпти. Бу жараёнда айникса ҳуқуқий саводхонликни ошириш жараёнида алоҳида эътибор бериш мумкин. Чунки у жамиятдаги турли хил жараёнларга фаол ташри кўрсатувчи, фуқароларнинг, барча ижтимоий гуруҳларнинг жипслашувиға кўмаклашувчи, жамиятнинг яхлитлиги ҳамда бастариблигини таъминловчи ва мутахассамловчи омилдир.

Агар республикамизда аҳолисининг 60 фоизини ёшлар ташкил этишини инобатга оладиган бўлсак, ҳуқуқий тартибот масаласини айникса, ёшлар ўртасида қўйиш имижимиз зарур деб ўйлайман.

ЁШЛАР — МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ

Ўзбекистон Республикаси мутахассамликка эришгандан сўнг асосий қабул қилинган қонунлардан бири «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»-ги Қонун бўлди. Ушбу қонунга мувофиқ ёшларга оид сиёсат давлат фаолиятининг устувор йўналиши бўлиб, ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборатдир.

Президентимиз Ислам Каримов ёшлар ҳақида сўз юритиб: «15 ёшдан 18 ёшгача бўлган давр инсон умрида энг нозик, энг мураккаб даврдир. Шу ёшда инсон онги, ҳуқли ва ахлоқи, маънавий қўёфаси тугал шаклланади. Ҳали сунги қотмаган фарзандларининг ўзи ҳолига ташлаб қўйсак, тарбияси, илми ва маънавияти билан шугуланмасак, келажакда уларни камил инсонлар бўлиб етишмоғига ким кафолат бера олади? Биз жами-

Таъкидлаш лозимки, ёшлар ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш фақат ҳуқуқни муҳофаз қилиш органларининг вазифаси бўлиб қолмаслиги керак. Бу борада, айникса, ҳалқ таълими, олий ва ўрта махсус таълим тизимида ёшларга ҳуқуқий билим беришни чўқурлаштириш, янгича педагогик технологияларни татбиқ этиш керак.

Ҳар бири даврда кечадиган ўзгариш ва ислохотлар жамият олдига долзарб муаммоларни ҳал этиш талабини қўяди. Шундай муаммолардан бири аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишдир. Бу борада «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» асосида ишлар олиб борилиб, хусусан, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга ҳуқуқни муҳофаз қилувчи идора ходимлари, тажрибали юрист-мутахассислар, амалиёт ва илмий жамоалар вакиллари доимий равишда иштирокини таъмин этиш, бундан ташқари,

ҳуқуқ фанларини ўқитишда ақли, ички ишлар, ҳалқ таълими, прокуратура, суд, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, юридик хизмат ва адвокатура ходимларини дадилроқ жалб қилиш керак. Чунки мустақил Ўзбекистонимизда ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамият пойдеворини мустаҳкамлаш учун соғлом авлод керак. Вояга етмаганлар ва ёшлар орасида ҳуқуқий тарбияни қўчайтириш бу — давр талаби.

Ёшларни гиеҳвандликдан, наркоманиядан қайтариш борисада кўпроқ илмий-амалий семинарлар олиб борилса яхши бўлади. Чунки ёшлар дастлабки ҳуқуқий билимларни оиладан ташқарида одатда

китоблар, телевидение ва матбуот орқали оладилар.

Қилинган саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчилик 2006 йилга нисбатан угган йилда 3,7 фоизга камайган. Бу ижобий кўрсаткичларда жойлардаги прокуратура ходимларининг ҳам катта меҳнати ётибди.

Аҳолини айникса, ёшларнинг ҳуқуқий маданияти ривожланиб, ўсиб бориши, ҳуқуқий давлатнинг мўҳим хусусиятидир. Ёшларни ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялашда жамоат ташкилотлари: касаба уюшмалари, ёшлар ва хотин-қизлар ташкилотлари, «Маънавият ва маърифат» марказлари, турли жамғармалар, иттифок ва уюшмалар фаол қатнашишлари, умумтаълим, олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни ошириши лозим.

Акмал АСРОРОВ,
Бoш прокуратура бўлим катта прокурори

Мамлакатимизда 1992 йилнинг 9 декабрида Олий Мажлиси томонидан «Бола ҳуқуқлари ҳақидаги» Конвенция ратификация қилинган эди. Бу мўҳим ҳалқаро ҳужжат асосида Республикаимизда ёш авлодни соғломлаштириш ва тарбиялаш, вояга етмаганлар билан ишлаш кенг кўламли йўлга қўйилган. Вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси васийлик ва ҳомийлик хизмати, ҳалқ таълими, соғлиқни сақлаш, ИИБ, прокуратура, маҳалла билан ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда.

хузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, вилоят прокуратураси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Самарқанд вилоят Кенгаши ҳамкорлигида вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, мактабга бормасдан бозорларда арава тортиб, савдо билан шўғулланиб юрган болаларни аниқлаб, уларни ўқишга қайтариш мақсадида тасдиқланган режага асосан вилоят бозорларида рейдлар ўтказилди. Натижда болаларни тарбиялаш ва таълим бериш бориса-

вачалар билан таъминланди. Шунингдек, вилоят ИИБ профилактика ҳисобида турган вояга етмаганлар ҳамда уларга салбий таъсир кўрсатиб келган ота-оналари билан сўхбатлар ўтказилиши ва бу ҳақда қайд этиш китобларининг юритилиши яхши натижалар бермоқда.

Йил давомида вилоятнинг шахар ва туманларида кам таъминланган оилалар фарзандларига ҳомийлик режими кўрсатиб борилади. Вояга етмаганлар томонидан содир қилинган жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик, ўз жониға суяқсиз

лика тортидилар.

Вилоят прокуратурасининг вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат гуруҳи томонидан барча шахар ва туманлар прокурорларига амалий ёрдам кўрсатилди.

Вояга етмаганлар билан ишлашда мутахассам тузилмалар билан ўзаро ҳамкорлик ва мутахассамлаштириш асосида фаолият юритиш бу борадаги муваффақиятларни таъминлайди. Шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда Тошкент

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ВА ҲУҚУҚ

Самарқанд вилоят прокуратураси органлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»-ги Қарори ва Бош прокурорнинг 2004 йил 22 июндаги «Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан прокурорнинг назорати фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»-ги буйруғи талаблари асосида вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижросини таъминлаш, улар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш ва угна қарши курашни ташкил қилиш борисада угган 2007 йил мейбанида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, Самарқанд вилоят ҳокимлиги-

даги мажбуриятларини бажармаган ота-оналар ва мактаб директорларига нисбатан қонунда белгиланган чоралар қўрилди.


Олий ва ўрта махсус касб-хўнар билим юртлари битирувчилари, ишсиз юртимиздаги лаёқатли ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган ўн миндан зиёд ёшлар мутасадди идоралар ҳамкорлиги ва прокуратура органларининг ёрдами туфайли ишга жойлаштирилди.

Ногирон болаларни ижтимоий муҳофаз қилиш мақсадида вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаз қилиш бош бошқармаси ва «Камолот» ЕИХ вилоят Кенгаши ҳамкорлигида ногирон болаларнинг 17 нафари махсус ара-

чилиш ҳолатлари ҳуқуқни муҳофаз қилиш органлари мутахассамлаштирувчи Кенгаши ва вилоят прокуратурасининг ҳаёт-мажлисларида муҳомама қилиб борилди. Мазкур соҳада ўтказилган 317 та текшириш натижалари бўйича 467 та таҳдиднома, 130 та огоҳнома, 133 та протест қилиниб, 1293 нафар мансабдор шахслар интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилди. Қўпол қонунбузилиш ҳолатлари бўйича 24 та жиноят ишлари қўзғатилди. Вилоят ҳудудида вояга етмаганлар томонидан содир қилинган жиноятлар 2006 йилнинг шу даврига нисбатан 5 тага камайган. Болаларга таълим-тарбия бериш борисадаги мажбуриятларини бажармаган 533 нафар вояга етмаганларнинг ота-оналари ва боқувчилари маъмурий жавобгар-

ликамиллик ҳисобида турган вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат гуруҳи томонидан барча шахар ва туманлар прокурорларига амалий ёрдам кўрсатилди.

Исмаилов ИЛДОШЕВ,
Самарқанд вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси



Инглизча либераллаштириш

риш мақсадида содир этилган жиноятлар учун жазони камайтириш тавсия этилган. Ушбу тавсиялар одамлар турар-жойига ўғирликка тушиш, bosқинчилик ва талончилик жиноятларини содир этганларга нисбатан жорий этилмади. Аммо бу қоидалар кекса ва химюасиз одамларга нисбатан содир этилган жиноятларни содир этганларга нисбатан қўлланилади.

лармонлари томонидан кескин танқид остига олинди. Уларнинг фикрича, ҳар бир шахс қамоқхоналардаги бўш жойларга қараб эмас, балки, ўз қилмишининг оғирлигига қараб жазо олиши шарт. Дўкон эгалари ҳам бундай тавсиялардан қаттиқ ташвишга тушишди. Эндиликда, дўконларга кириб ўғирлик қилган жиноятчилар аввалгидек қамқоқ жазосига ҳукм қилинмай, балки автомашинани нотўғри қўйганлик каби оддий маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида жаримага тортиладилар, холос.

ПРОКУРОРГА ҚАРШИ БОКСЧИЛАР

Саратов вилоят прокурорининг ўлдирилиши юзасидан олиб борилаётган тергов ҳаракатлари тобора кескин тус олмақда. Сешанба куни прокуратура қошидаги тергов қўмитаси вакиллари мазкур қотилликка алоқадорликда гумон қилинаётган тўрт киши ушланганлиги тўғрисида хабар қилди. Саратов вилояти ички ишлар бошқармаси ходимларининг маълумотига қараганда, ҳибсга олинганларнинг икки нафари ёлланма қотил, иккиси эса уларга ушбу буюртмани etkazган воситачилардир. Уларнинг исми-шарифи тергов манфаатлари йўлида ошкор этилмаяпти. Ҳозирча маълум бўлгани — ёлланма қотиллардан бири ўтмишда тезкор вакил бўлиб хизмат қилган, воситачилар эса собиқ боксчилардир. Шунингдек, тахмин этилаётган буюртмачи ҳам ушланди, деган миш-мишлар тарқалган. Бироқ, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган вакиллари бу хусусда ҳеч бир янгилик айтмаяптилар. Тергов ҳаракатлари давом этмоқда.



Сабаби кўрсатилмади

Афғонистоннинг Қандаҳор шаҳридаги ҳарбий базала Канада аскарининг жасади топилган, деб хабар қилади «Reuters» ахборот агентлиги. 22 ёшли капрал Жереме Уилленинг жасади Афғонистон жанубида жойлашган Канада ҳарбий базасида аниқланган. Қўмондонлик баёнотида Уилленинг ўлими ҳарбий ҳаракатларга боғлиқ эмас, дейилган. У афғон юртида сўнгги олти йил ичида ҳалок бўлган саксонинчи канадалик ҳарбийдир. Ҳозирги кунда Афғонистонда Канададан келган 2500 нафар ҳарбий хизмат қилмоқда. Уларнинг бу ердаги хизмат муддатини 2011 йилгача узайтириш режалаштирилмоқда.



Бир неча йил давомида Голливуднинг машҳур актрисаси Жоди Фостерни турли таҳдидли хатлар билан ваҳимага солган мухлис қамқоққа олинди. Аниқланишича, массасуеетслик 42 ёшли Майкл Смигал аэропорт маъмуриятига хат жўнатиб, унда аэропортга бомба қўйилганлигини хабар қилади. Хатда Жоди Фостернинг исми ҳам тилга олинган.

Фостернинг ашаддий мухлиси

Полиция ва хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан бомбани топиш бўйича ўтказилган изчил қидирув ишлари самара бермади. Аэропортдан ҳеч қандай бомба топилмади. Лекин олиб борилган қидирув ишлари аэропорт фаолиятига ўзининг салбий таъсирини ўтказмай қолмади. Қўллаб-қувватлаш қолдирилди ёки ўзгартирилди. Натижада катта иқтисодий зарар кўрилди.

Полиция келажақда бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида аноним хабарчини аниқлашга киришди. Хат аэропорт маъмурияти томонидан 2007 йилнинг декабрь ойида олинган. Тергов давомида шу мазмундаги хатлар Лос Анжелесдаги яна 100 та манзилгоҳга жўнатирилганлиги маълум бўлди. Орадан бир неча ой ўтиб, тергов гуруҳи Майкл Смигалнинг изига тушди. Жоди Фостернинг ашаддий мухлиси бўлмиш Смигал 2004 йилдан бери унга турли мазмундаги таҳдидли хатлар жўнатиб турган экан. 2005 йилда полициячилар уни ушлаб, оғохлантириганида Смигал актрисани бошқа безовта қилмасликка ваъда берганди. Шундан сўнг Фостер

ундан имзосиз хатлар олмаган. Бироқ, хабарчи нима учундир аэропорт маъмуриятига йўллаган хатда Жоди Фостернинг исмини ҳам қўшиб юборган. Полициячиларнинг айтишича, айнан шу ҳолат калаванинг учини топишга туртки бўлган. Мамлакат қонунчилиги мувофиқ аэропортда бомба борлиги тўғрисида сохта маълумот берган Майкл Смигал 10 йил қамқоқ жазосига ва 250 миң АҚШ доллари миқдорида жаримага тортилиши мумкин, деб хабар қилади «AFP» ахборот агентлиги.

Сугуртачи қиморбозлар

Дунёдаги энг йирик «Swiss Re» сугурта компаниясининг тадқиқотларига қараганда, 2007 йилда табиий ва техноген ҳалокатлардан etkazилган зарар миқдори 70 миллиард доллардан ошиб кетган. Ушбу ҳалокатлар оқибатида 20 миң киши ҳаётдан кўз юмган. Мулкларни сугурталашга ихтисослашган компаниялар сугурта мажбуриятлари бўйича 28 миллиард доллар пул тўлаганлар. 2007 йилда ҳажон жами 142 та табиий ва 193 та техноген ҳалокатларни бошидан ўтказган. «Swiss Re»нинг изланишларига кўра, дунёда ҳалокатлар оқибатини бартараф қилиш ишлари тобора қimmatга тушмоқда. 1970 йилдан бери иқтисодий зарар миқдори ҳар йили 12 фоизга ошмоқда.

Мулкларни сугурталашга ихтисослашган компаниялар 2007 йилда сугурта мажбуриятлари бўйича 23 миллиард долларни табиий ва 4 миллиард долларни техноген ҳалокатлар натижаси бўйича тўлаганлар. Қолган 1 миллиард доллар эса мулкни сугурталашнинг бошқа ҳолатлари бўйича, масалан, мулкни ўғирлаш ва ҳокзалар учун тўланган.


Мегаавтоҳалокат

Сешанба куни Бирлашган Араб Амирликлари пойтахтидан 60 километр узоқликда катта тезликда ҳаракатланган мўлжалланган автомагистралда йирик автотранспорт ҳалокати рўй берди. Абу-Дабӣ ҳамда Дубай шаҳарларини бирлаштириб турувчи автомагистралда бирданига 200та автомашинани тўқнашган, деб хабар қилади «Arabianbusiness» ахборот агентлиги. Полициячиларнинг айтишича, автоҳалокат эрталабки кучли туман оқибатида рўй берган. Туманнинг ўта қуюқлиги боис 10 метргача бўлган масофада ҳеч нарса кўринмаган. Қарама-қарши келаётган икки автомобил бир-бирига урилган... Колганлари «занжири реакция» сингари тўқнашиб кетган. Шунингдек, автоҳалокат натижасида 92 машина ёниб кетган, 8 киши ҳалок бўлган. 85 киши эса жароҳатланган. Мазкур шосседан ҳаракат бир неча соатга тўхтатилиб, кўтқарув ҳамда тозалаш ишлари олиб борилган.



Японияликлар космосда

«Риа новости» ахборот агентлигининг хабар қилишича, Халқаро Космик Станцияси барпо этилиши тарихида илк бор Япония ўзининг яшашга мўлжалланган илмий текшириш модулига эга бўлади. Унга «Кибо» (Япончадан таржумаси «Умид») деб ном қўйилган. Утган куни унинг биринчи секцияси АҚШнинг «Индевор» космик кемасида халқаро космик станцияга олиб чиқилди. «Кибо»нинг асосий қисми май ойида навбатдаги кема билан учурилиши режалаштирилган. Мосламалар жойлаштирилган сўнгги секция эса очиқ космосга келгуси йили олиб чиқилади. Катталиги икки қаватлик Лондон автобусидек бўлган лаборатория суюқликларнинг физик хусусиятлари ҳамда ўсимликларнинг космосда ўзини тутишига ўхшаш биометрик тадқиқотлар олиб боришга мўлжалланган мосламалар билан жиҳозланади. Мазкур модуль 52 ёшли япон фазогери, иккинчи бор коинотга узаётган Такао Дои томонидан халқаро космик кемасига бириктирилади. У илк космик парвозини 1997 йилда амалга оширганди. Космик кема коинотга «Кибо»дан ташқари Канадада ишлаб чиқарилган «Декстр» роботини ҳам олиб чиқади.



Бир кунда очилди

2008 йилнинг 10 мартда Болгария пойтахти Софийадаги миллий кўргазма марказидан ўғирланган, таникли рус расмоси Василий Верешагиннинг мўйқаламига мансуб «Шипкада ҳаммаси тинч» номли полотно этраси кўниёб топилди. У билан бирга яна бир мусаввир Николай Павловичнинг «Болгариянинг йўноши» номли асари ҳам топилган, деб хабар қилади «Интерфакс» ахборот агентлиги.

ЭСКИНИНГ ЎРНИГА ЯНГИСИ

Хиндистондаги 129 аэропортнинг 15 миң ишчи-хизматчилари норозилик тарзида иш ташладилар. Уларнинг бу намоиши Бангалор ҳамда Хайдарабоддаги икки йирик аэропортнинг ёпилишига нисбатан норозиликдир. Мутахассисларнинг таъкидлашича, қасаба уюшмаси томонидан ташкил этилган бу намоиш аэропортлар фаолиятида катта узилишлар юз беришига олиб келиши мумкин. Халқаро ҳамда маҳаллий рейслар номаълум вақтга қолдирилиши ҳам мумкин. «Риа новости» ахборот агентлигининг хабар беришича, иш ташлаш намоишида асосан ўт учирувчилар, юк бўлими ходимлари ва фаррошлар иштирок эттишмоқда.

